



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 10 июнь, № 117 (9288)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ ТАШКИЛИЙ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга навбатдаги Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик юзасидан ахборот берилди.

Ушбу форум мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини кенг намойён этиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни шакллантириш ва илгари суриш учун муҳим халқаро майдонга айланган.

2022 йилда илк бор ўтказилган форумда 56 мамлакатдан 1 мингдан зиёд хорижий меҳмонлар иштирок этган эди. Бу йил 16—18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида 99 та мамлакатдан жами 8 мингдан зиёд иштирокчилар, жумладан, қарийб 3,1 минг нафар хорижий меҳмон қатнашиши кутилмоқда.

Тадбирга таклиф этилганлар орасида хорижий давлатлар ҳуку-

матлари раҳбарлари ва вакиллари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, инвестиция жамғармалари ва ишбилармон доиралар раҳбарлари бор.

Тадбиротда форум ва унинг доирасида ўтказиладиган тадбирлар дастури ҳақида маълумот берилди. Хусусан, ялпи мажлис, икки томонлама учрашувлар, тармоқ ва ҳудудлар тақдирлари, инвестиция келишувларини имзолаш маросимлари ҳамда ишбилармонлар мулоқотлари ўтказилади.

Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳиятини намойиш этиш кўрсаткичида қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, геология, электротехника

саноати, машинасозлик, кимё саноати, энергетика, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари тармоқларининг имкониятлари тақдим этилиши режалаштирилган.

Форум доирасида Президентимиз ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи мажлиси ҳам бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшилаш, саноат-технологик ва инновацион ривожланишни жадаллаштириш, хусусий сектор ва халқаро инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинади.

Жорий йилиги форумда ҳам инвестиция келишувларининг йирик

тўпламини имзолаш режалаштирилган. Ҳозирда янги лойиҳаларни шакллантириш ишлари жадал кетмоқда.

Ишлаб чиқариётган келишувлар кимё саноати, геология ва металлургия, енгил саноат, электротехника ва машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш материаллари, энергетика ва экология, рақамли технологиялар, қурилиш ва инфратузилма, банк-молия, транспорт-логистика, туризм ҳамда таълим каби муҳим йўналишларни қамраб олади.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши иш ўринлари яратиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт

салоҳиятини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари форумни юқори ташкилий даражада ўтказиш, ҳар бир тармоқ ва ҳудуднинг инвестициявий салоҳиятини аниқ лойиҳалар орқали намойён этиш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга хорижий меҳмонларни қутиб олиш, тадбирлар дастурини пухта ташкил қилиш, имзоланадиган келишувларнинг аниқ ижро механизмларини белгилаш ва форумдан кейин уларни тизимли мониторинг қилиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СУДЛАРДА КОМПЛЕАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш кафолатларини янада кучайтириш, судларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг профессионал тизимини жорий этиш, шунингдек, суд тизимида 2026 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича эълон қилинган “**фавқулодда ҳолат**”дан келиб чиқадиган вазифаларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Макссадлар:
1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) судларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, замонавий **комплеанс назорат тизимини** жорий этиш орқали коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт бартараф этиш;

б) суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш жараёнини **шафдор тартиб-таомиллар** ва **очиқ танловга** асосланган тарзда ташкил этиш, уларнинг салоҳияти, иқтидори, касбий сифатлари ҳамда алоҳида хизматларини одилона ва ҳаққоний баҳолаш (**меритократия**) асосида касбий ўстириш;

в) суд тизимига **жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш** ва суднинг нуфузи ва обрўсини ошириш, суд органларини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг қўмақчисига айлантириш.

II. Суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш

2. Олий суднинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:
а) суд тизимининг мавжуд бошқарув шакт бирликлари доирасида суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва тартибга солиш учун массул бўлган **Комплеанс назорат хизматини** ташкил этиш;

б) суд аппарати ходимлари касб масъулиятини янада чуқур ҳис этишлари мақсадида **мансаб даражасига эга бўлган суд аппарати ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийимини** жорий этиш.

3. Белгилансинки, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш:

а) судьялар корпусига нисбатан — Судьялар олий кенгашининг **Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси** томонидан;

б) суд аппарати, шу жумладан, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларига нисбатан — Олий суднинг **Комплеанс назорат хизмати** томонидан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар Комплеанс назорат хизматининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) суд аппарати фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўриш;

б) суд аппарати ходимлари томонидан касб этикаси ва қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини **мониторинг қилиш**, коррупция ва суд тизими обрўсига путур етказувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олиш;

в) суд аппарати ишга қабул қилиш жараёнида шафдорлик ва ҳолисликни таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, белгиланган тартибда суд аппарати лавозимларига номзодларни коррупцияга қарши текширувдан ўтказиш ва ҳулоса бериш;

г) суд аппарати ходимларида коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг **бу борадаги билим ва кўникмалари узлуксиз ошириб борилишини** мувофиқлаштириш;

д) суд аппарати ходимлари, улар оила аъзоларининг (турмуш ўртоғи ва воёга етмаган фарзандлари) даромадлари ва мол-мулки, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини **декларация қилиш тизимларини** ишга тушириш ҳамда юритиш, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ҳолатларига йўл қўймастик;

ж) халқаро стандартлар асосида коррупция ҳолатлари ҳақида **хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш** ва рағбатлантириш, пора таклиф этиш ҳолатлари ҳақида ходим томонидан хабар бериш тизими, шунингдек, фуқаролар учун **хавфсиз алоқа каналларини** жорий этиш;

(Давоми 2-бетда).

КОНЧИЛИК ВА ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ТЕХНОЛОГИК ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев тоғ-кон саноати ҳамда геология соҳасида рақамли ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш юзасидан тақдирот билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида тоғ-кон саноати ва геология тармоғи муҳим ўрин тутди. 2025 йилда жами саноат маҳсулотининг 20 фоизи ушбу соҳа корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Уларнинг бюджетга тушумлари 118,5 триллион сўмини ташкил этди.

Шу боис соҳани технологик трансформация қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий рақамли ечимларни кенг татбиқ этиш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, инвестицияларни қўпайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда стратегик аҳамият касб этди.

Дунёда “барқарор ривожланиш” ва “рақамли геология” концепциялари жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2025 йилда йирик тоғ-кон саноати корхоналарида 7,3 триллион сўм операциялар ҳажратлар тежаллиб, маҳсулот таннархи 9,1 фоизга камайган.

Шунингдек, “Геомониторинг” ахборот тизими жорий қилиниб, 2 миңдан ортиқ қазилма участкалари оид маълумотлар рақамлаштирилган.

Келгуси беш йилда олтин захирасини қўшимча 879 тоннага, кумушни 510 тоннага, мисни 676 миң тоннага ошириш бўйича ишлар бошлангани қайд этилди.

Сунъий интеллект технологиялари геологик маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, қазилма бойликларни прогноллаш, захираларни аниқ ҳисоблаш ва бурғулаш ишлари самардорлигини ошириш имконини беради. Шу мақсадда геология-қидирув жараёнларининг барча босқичларига сунъий интеллект ечимларини жорий этиш режалаштирилган.

Президентимиз бунинг учун соҳада технологик трансформацияни янги босқичга олиб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини сунъий интеллект ёрдамида бошқариш ва таҳлил қилиш тизимини шаклланти-

риш зарурлигини таъкидлади.

Тоғ-кон саноати ва геологияда хариталар, қидирув натижалари, бурғулаш маълумотлари, лаборатория таҳлиллари ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари каби жуда катта ҳажмдаги маълумотлар шаклланади. Уларни ягона электрон базага жамлаш, тезкор қидириш ва “3D” моделлар орқали таҳлил қилиш янги конларни аниқлаш имкониятини оширади.

Бунинг натижасида таннархли 10 фоизга камайтириш, янги конларни очиш муддатини 2 қарра қисқартириш, инвесторларга тақдим этиладиган таклифлар сонини 4 баробар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдиротда 2030 йилгача геология ва тоғ-кон саноатига 30 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилиш мақсад қилингани таъкидланди. Бунинг учун, аввало, инвесторлар талаб қилаётган сифатли ва ишончли рақамли маълумотлар базасини шакллантириш зарур.

Шу муносабат билан Геологик маълумотлар миллий базасини яратиш таклифи қилинди. Мазкур жараёнда Технологик трансформация маркази ташкил этилиб, мавжуд 36 миңдан ортиқ ҳисоботлар ва бирламчи маълумотлар рақамли кўринишга ўтказилади. Натижада геологик маълумотларни шакллантириш, конларни моделлаш ва захираларни ҳисоблаш жараёни 2 қарра тезлашади.

Тақдиротда 2026 — 2030 йилларда геология соҳасида ҳамда 6 та йирик корхона — “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Навоийурган”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбекўмир” ҳамда “Ўзбекистон технологик металлар комбинати”-да сунъий интеллект ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича жами 44 та лойиҳани амалга ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Ушбу лойиҳалар беш асосий йўналишни қамраб олади: ишлаб чиқариш жараёнларини автомат-

лаштириш, корпоратив бошқаруви рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, меҳнат ва саноат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кон-геология ишларини рақамли трансформация қилиш.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида операция самардорлик 7 фоизга, техника ва ускуналар ишончилиги 20 фоизга, энергия самардорлиги эса 8 фоизга ошиши кутилмоқда. Шунингдек, инсон омил билан боғлиқ хато ва хавфлар 15 фоизга камайиши мумкин.

Кейинчалик ушбу ечимларни патентлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддиларга тоғ-кон саноати корхоналари бизнес-режаларини тузишда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари самардорлигини оширишга оид чора-тадбирларни киритиш, технология ва сунъий интеллект лойиҳалари бўйича алоҳида дастурларни тасдиқлаб бориш топширилди.

Ў.А.

Мулоқот

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ Йўлида

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессиясида иштирок этиш учун Женева шаҳрида бўлиб, қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Дастлаб Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг котибияти раҳбари Беате Андрес билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот жараёнида Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш ҳамда муносиб меҳнат таъминлашнинг таъминлаш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотларга эътибор қаратилди.

Беате Андрес мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма дастур ва

ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидлади.

Халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

Сўхбат давомида жорий йилнинг 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган конференцияга тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. ХМТ мазкур нуфузли халқаро анжуманининг ташкил этилишига қўмақчилик ҳамда ташкилот вакилларининг унда қатнашишидан манфаатдор эканини билдирди.

Олий Мажлис Сенати Раиси ва Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг ўртасида ҳам қизгин мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ кўп қиррали ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболдаги устувор йўналишлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Мартин Чунгонг Ўзбекистонни Парламентлараро Иттифоқнинг энг фаол, ташаббускор ва ишончли ҳамкорларидан бири сифатида эътироф этиб, кейинги йилларда мамлакатимизда

амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, парламент фаолиятининг очиқ-ошириш бўйича Ўзбекистонда шаклланган самарали таҳриба халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани алоҳида айтилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚЧИЛ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ Кўриб чиқди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, фахрийларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини белгилашга, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий малакасини ошириш кафолатларини мустаҳкамлашга, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга, чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими жорий этишга, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилишга, қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларнинг қўлланилишидаги ноаниқликларни бартараф этишга, халқаро баённомани ратификация қилишга, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда

Мажлисида дастлаб “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, судьялар ҳамжамияти органлари суд мустақиллигини кафолатлаш, судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда судьяликка номзодларни танлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан судьялар ҳамжамияти органларининг турлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилмоқда.



Янги Авлод Саноат Майдони

«Чирчиқ» кимё-индустриал технопарки бугунги кунда соҳадаги янги авлод саноат майдонларидан бири сифатида шаклланиб улгурди. Технопаркнинг инвестициявий жозибадорлиги аниқ рақамларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2025 йилда **56 миллион долларлик** инвестиция ўзлаштирилиб, **758 та** иш ўрни яратилди. Йил давомида корхоналар томонидан **60 миллион долларлик 150 дан** ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2030 йилга қадар инвестициялар ҳажмини **207 млн. долларга**, товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни **294 млн. долларга**, экспортни **48 млн. долларга** етказиш ҳамда иш ўринлари сонини **2 миң 300 тага** ошириш кўзда тутилган.

Факт ва рақамлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

3) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вази-фаларни амалга ошириш.

5. Куйидагилар: а) Олий суднинг аппаратида Олий суд раисига тўғридан-тўғри бўйсунувчи 3 та штат бирлигидан иборат **Комплаенс назорат хизмати** ташкил этилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида **Комплаенс назорат хизмати**га тўғридан-тўғри бўйсунадиган жами 15 та штат бирлигидан иборат **комплаенс назорат бўйича инспектор лавозимлари** жорий этилсин.

6. Белгилансинки: а) **Комплаенс назорат хизмати раҳбари** Олий суд раиси **томонидан лавозимга тайинланади** ва лавозимидан озод этилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий таъминот ва ижтимоий ҳимоя шартлари бўйича Олий суд департамент бошлиғига тенглаштирилади;

б) **комплаенс назорат бўйича инспекторлар** Олий суд раиси **томонидан лавозимга тайинланади** ва лавозимидан озод этилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий таъминот ва ижтимоий ҳимоя шартлари бўйича Олий суд бош консултантига тенглаштирилади;

в) **комплаенс назорат бўйича инспекторлар** Ҳарбий суд, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида жойлаштирилади;

г) **Комплаенс назорат хизмати лавозимлари** ҳалол, пок ва бенуксон обрў-эътиборга эга бўлган олий юридик маълумотли, шунингдек, қоида тарикасида, суд-ҳуқуқ соҳасида камиди 5 йиллик иш стажига эга **номзодлар** тайинланади; д) Олий суд раисига **Комплаенс назорат хизмати** ходимларига буюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда **қўшимча устамалар** тўлаш ҳуқуқи берилган;

ж) **Комплаенс назорат хизмати** ходимларига юклатилган вазифалар доирасида суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқи ҳамда хизмат вақтида ва хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини тутиши, умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ масалаларда хизмат текширувларини ўтказиш ваколати берилди.

7. Олий суд:

а) **2026 йил 1 сентябр**га қадар суд аппарати фаолиятида коррупциянинг олдини олиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** ва **суд аппаратидаги** коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган **лавозимлар рўйхатини** тасдиқласин;

б) **2027 йил 1 март**га қадар суд аппарати ходимларининг коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган вази-фа ва функцияларини рақамлаштириш, уларни амалга оширишда инсон омилни камайтириш чораларини кўрсин.

8. Олий суд **уч ой мuddатда суд аппарати ходимлари**ни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ **чекловларни белгилувчи низоми**ни ўрна-тилган тартибда тасдиқласин. Низома куйидагиларга нис-батан чекловлар назарда тутилсин:

а) муҳаддам коррупцияга оид жиноятларни содир этиш-да суд томонидан айбдор деб топилган шахсларни ишга қабул қилиш;

б) нотариус, адвокат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи фаолиятида ноҳўя хатти-ҳаракат-лари учун лавозимдан бўшатилган шахсларни уч йил мо-байнида ишга қабул қилиш;

в) педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш;

г) тадбиркорлик субъектини тасвиф этиш, унда ташки-лий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажариш (бундан акциядорлик жамиятлари эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доираси-да эгаллик қилиш ҳоллари мустасно);

д) ўз хизмат вазифаларини сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини қўлаб бажариш;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб-варақлар очиш ва уларга эга бўлиш, қўчмас мулк ва бошқа мол-мулкка эгаллик қилиш.

9. Олий суднинг **HR-менежмент** механизмидан кенг фойдаланган ҳолда судлар аппаратининг кадрларини бош-қариш ва назорат қилишнинг самарали ҳамда замонавий тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Унга кўра **2026 йил якунига қадар**:

а) номзодларнинг шахсий ва касбий фазилатлари, шу жумладан, уларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифат-ларини ҳаққоний баҳолаш имконини берувчи очик танлово асосида ишга қабул қилиш тизимини жорий этиш. Бунда малакали кадрларни жалб этиш ва жамоада ишлаш кўник-маларини ривожлантиришнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиши назарда тутиш;

б) **Олий ресурсларини бошқариш** ва ривожлантиришда рақамли технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда вакант лавозимларни эълон қилиш, ном-зодларни саралаш, танлаш ва ишга қабул қилиш жараёнла-рини рақамлаштиришга мўлжалланган **“vacancy.sud.uz” портали** ҳамда суд тизимида ходимлар билан ишлаш ва **кадрлар маъмурчилигининг** замонавий услубларини жор-ий этишга қаратилган **“SudHR” электрон платформаси**-ни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш;

в) замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда суд ап-паратини ҳодимларининг касбий маҳорати ва касб билан боғлиқ чакирқиларга бардошлилиги, аҳиллик ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, янгиликларга мослашиши-га қодир жамоани шакллантириш;

г) судларга олий юридик маълумот ва илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни жалб қилишда республиканинг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш таъминлансин.

10. Олий суд **икки ой мuddатда** Олий суд ва куйи суд-лар тузилмасини белгиланган штат бирикликлар доирасида мустақил тасдиқлаш ҳуқуқини Олий суд раисига беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

11. **Судьялар корпусида коррупцияга мурасасизлик-ни шакллантириш**

а) Олий суднинг олий кенгаши ва Бошқарув самарадорлиги агентлигининг куйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) Олий судлов академияси ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳузуридида Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази-нинг моддий-техник базаси ва илмий-амалий ресурслари-дан фойдаланган ҳолда **2026 йил якунига қадар** суд тизи-мида коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диаг-ностикадан ўтказиш; б) барқарорлик даражасини диа-гностикадан ўтказиш;

б) Олий судлов академиясида номзодларни судьялик кас-бига тайёрлашда қўшимча равишда шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагности-кадан ўтказиш амалиётини жорий этиш.

12. Олий суд **уч ой мuddатда** суд ишларини автоматик тақсимлаш дастурини янада такомиллаштириш чораларини кўрсин. Бунда:

а) ишларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мезонлари-нинг тугал асосларини белгилаш, мазкур жараёнлар шаф-фоллигини таъминлаш;

б) ишни бир судьядан бошқа судьяга асоссиз равишда ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш назарда тутилсин.

13. Судьялар олий кенгаши **2026 йил сентябрга қадар** Олий судлов академиясида судьялар ва суд аппарати хо-димлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция-нинг бошқа кўриналишининг олдини олиш бўйича **“реал кейслар”**га асосланган ўқув-амалий модулни жорий этисин.

14. Судьялар олий кенгаши:

а) **2026 йил 1 сентябрга қадар** Олий судлов академия-сида мазкур бошқарув штат бирикликлар доирасида **ички хавфсизлик назорати хизматини** ташкил этиш;

б) **2027 йил 1 июнга қадар** Олий судлов академиясини ISO 37001 **коррупцияга қарши курашиш менежмент тизи-ми халқаро стандарти бўйича аудитдан ўтказиш** чо-раларини кўрсин.

15. Судьялар олий кенгаши Олий суд, Олий судлов ака-демияси билан биргаликда судьялар ва суд аппарати хо-димларининг ҳар уч йилда коррупцияга қарши курашиш бўйи-ча ўқув курсларида малакасини ошириш чораларини кўриб босин.

16. Куйидагилар:

а) Судьялар олий кенгаши — **2026 йил 1 сентябрга қадар** судьялар томонидан **манфаатлар тўқнашуви ҳолат-лари ҳамда даромадлар ва мол-мулки тўғрисидаги дек-ларацияни Кенгашга тақдим этиш**, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган элек-трон тизимини;

б) Олий суд **2027 йил 1 майга қадар**:

а) суд аппарати ходимлари томонидан **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда даромадлар ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни Олий судга тақдим этиш**, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг авто-матлаштирилган электрон тизимини;

б) суд аппарати ходимлари фаолиятидаги коррупция, шубҳали схемалар ва интизом бузилишларига олиб келувчи бўшлиқларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, суд аппа-рати ходимлари фаолиятини мониторинг қилиш имконини бе-рувчи **коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш элек-трон ахборот тизимини** ишга туширсин.

IV. **Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

17. **Судларда комплаенс назорат тизими самарадор-лигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича “Йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Олий суд **уч ой мuddатда** **Комплаенс назорат хиз-мати**ни малакали кадрлар билан тўлдириниш ва уларнинг са-марали фаолиятини йўлга қўйишни таъминласин.

19. Олий суд Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргалик-да **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фар-мондан келиб чиқадиган ўзгаришларни таъминлаш тўғри-сида таклифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Комплаенс хизмати** ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Олий судга **Комплаенс назорат хизмати** фаолият-ини самарали ташкил этиш, ходимларнинг малакасини оши-ришда услубий хизматдан кўмаклашиб босин.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш-га масъул ва шахсан жавобгар этиб Олий суд раиси Б. Д. Исламов ва Судьялар олий кенгаши раиси Х. Б. Ёдгоров белгилансин.

22. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Админис-трацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н. Ж. Хақимова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 8 июнь

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Шу ўринда, жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўткази-ладиган Ёш парламент аъзоларининг глобал конференциясига тайёргарлик ишлари юзасидан фикр алмашилди ҳамда мазкур нуфузли анжуманининг аҳамияти таъкилданди.

Томонлар Ўзбекистон ва Пар-ламентларо Иттифоқ ўртасидаги шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва қўшма ташаббус-ларни изчил давом эттиришдан ман-фаатдор эканликларини тасдиқлади.

Женева шаҳрида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Бош котиби Люк Триангл билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, таъриба алмашиш,

қўшма ташаббуслар ижросини таъминлаш ҳамда меҳнат му-носабатлари сифатини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислохот-ларни қўлаб-қувватлаш истиқ-боллари муҳокама этилди.

Ўзбекистонда меҳнат қонунчилигини такомиллашти-риш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини кен-гайтириш ва ижтимоий ше-риклик механизмларини ри-

вожлантириш борасида амал-га оширилаётган ислохотлар-нинг салмоқли натижалари қайд этилди.

Муносиб меҳнатни таъ-минлаш ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида конструктив мулоқот-ни янада ривожлантириш ҳамда шериклик алоқалари-ни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор экан-ни эътироф этилди.

Учрашув

Сенаторлар ва тингловчилар ўртасида очик мулоқот

Олий таълим муассасалари хотин-қизлар маслаҳат кенгашлири раислари учун ташкил этилган малака ошириш курслари дастури доирасида тингловчилар Олий Мажлис Сенати фаолияти билан танишди.

Сенаторлар ва тингловчилар ўртасида бўлиб ўтган очик мулоқотда хотин-қизлар-нинг қонунчилик жараёнидаги фаоллигини ошириш, раҳбарлик ва ташаббускорлик кўникмаларини ривожлантириш, жамиятда хотин-қизлар нуфузини юксалтиришга қаратилган вазифалар ҳусусида фикр ал-машилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, гендер тенг-ликни мустаҳкамлаш, уларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ишлар ва бу йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжат-ларининг мазмун-моҳияти юзасидан атраф-лича маълумот берилди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз-да парламент фаолиятининг асосий йўна-лишлари, қонун ижодкорлиги жараёни ҳамда Сенатнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли мурожа-атлари билан ишлаш ва парламент назо-ратини амалга ошириш борасидаги вази-фалари билан ҳам яқиндан танишди.

Мулоқот интерфакс шаклда савол-жа-воблар ва иштирокчиларнинг таклифлари билан давом этди.

«Халқ сўзи».

Парламент дипломатияси

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аззамхўжаев Туркия Буюк миллат мажлиси Хавфсизлик ва разведка комиссияси раиси Вейсел Типийўлу бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбеки-стон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муноса-батларининг бугунги ҳолати ҳамда парламентларо ҳамкорликни янада ривож-лантириш истиқболлари му-ҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарлари-нинг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асослан-ган муносабатлари натижаси-да Ўзбекистон — Туркия ало-қалари стратегик шериклик-нинг янги босқичига кўтарил-гани таъкилданди. Бугунги кунда икки мамлакат ўртаси-даги ҳамкорлик сиёсий, сав-до-иқтисодий, маданий-гума-нитар ва бошқа соҳалар қато-ри парламентларо мулоқот йўналишида ҳам изчил ри-вожланиб бормоқда.

Учрашув давомида қонун ижодкорлиги, парламент назо-рати ва кўмиталар фаолияти юзасидан таъриба алмашиш, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Туркия: ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Улуғбек Шерматовнинг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Хавфсизлик ва разведка комиссияси раиси Вейсел Типийўлу билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан кенг қамровли стратегик шерик-лик муносабатлари ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари асосида жадал ривожла-ниб, мамлакатларимиз ўрта-сидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Анка-рага расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қатта суръат бағишлаб, кенг қам-ровли стратегик шериклик муносабатларини янада юқори ўринга олиб чиққани таъкилданди.

Сўхбат давомида меҳмон томонига Президентимиз раҳбарлигида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доира-сида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий исло-хотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасида-

даги ҳамкорлик сиёсий, сав-до-иқтисодий, маданий-гума-нитар ва бошқа соҳалар қато-ри парламентларо мулоқот йўналишида ҳам изчил ри-вожланиб бормоқда.

Учрашув давомида қонун ижодкорлиги, парламент назо-рати ва кўмиталар фаолияти юзасидан таъриба алмашиш, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашув очик ва дўстона рўйида бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг видеоконференцалоқа тарзида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўмита аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесининг тегишли кўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари иштирок этди.

Йиғилиш

Мажлисида ижтимоий соҳадаги ислохот-лар ижросини таъминлашда кўмита ва ма-ҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик орган-ларининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда парламент ва депутатлик на-зоратини кучайтириш масалалари атраф-лича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда давлат умумтаълим мактабларида тиббий хизмат-ни ташкил этиш, мактабгача таълим ташки-лотларининг қамров даражасини кенгайтириш ва таълим сифатини яхшилаш, шунингдек,

ҳудудларда тиббий суғурта тизимини жор-ий этиш бўйича қатор тизимли муаммо-лар сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф қилишда маҳаллий Кенгашларнинг депутат-лик назорати имкониятларидан тўлиқ фой-даланиш муҳимлиги қайд этилди.

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссия-лари раислари зиммасига таълим ва соғлиқ-ни сақлаш соҳаларига оид қонунчилик иж-роси устидан таъсирчан депутатлик назо-ратини таъминлаш, буюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, ижтимоий соҳа муассасаларидаги муаммоларни бартараф

этиш ҳамда инвестиция дастурлари доира-сида амалга оширилаётган қурилиш ишла-ри сифатини мунтазам мониторинг қилиб бориш бўйича устувор вазифалар қўйилди.

Шунингдек, мажлис давомида Олий Маж-лис Сенатига келиб тушаётган қонунларни ҳудудлар хусусиятини инобатга олиб муҳо-кама қилиш ва таклифлар атрафида маҳал-лий Кенгашларнинг иштирокини фаол-лаштириш зарурлиги таъкилданди.

Мурожаатлар билан ишлашда “Электрон парламент” тизими имкониятларидан кенг фой-даланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Мажлисида Фан, таълим ва соғлиқни сақ-лаш масалалари кўмитасининг 2026 йил-даги фаолиятини такомиллаштириш юзаси-дан “Йўл харитаси”дан жой олган бандлар ижросини ўз мuddатида сифатли таъмин-лаш бўйича масъуллар зиммасига аниқ ва-зифалар юклатилди.

КУН ТАРТИБИДА – АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмиталари томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида Наманган вилоятида аҳолига ер ажратиш орқали уларнинг бандлигига эришиш, даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш

Ўрганиш натижалари парламент кўмиталарининг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қўшма мажлисида муҳока-ма қилинди.

Мажлис давомида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кенгайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида амалга

оширилган ишлар юзасидан ҳудуд раҳбарлари, тегишли вазирилик ва идоралар масъулларининг ахбор-отлари эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлаката-мизда ер ресурсларидан самара-ли фойдаланиш, аҳоли бандлиги-ни таъминлаш ва қишлоқ ҳўжали-ги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2019 — 2025 йилларда вилоятда 23,5 минг гектар ер май-дони қайта фойдаланишга кирити-лиши ҳамда 22 минг гектар яйлов

ерлари ўзлаштирилиши натижаси-да қишлоқ ҳўжалиги корхонала-ри ва фермер ҳўжаликларига 5 300 га яқин доимий ҳамда 32 300 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилган.

Вилоятда 48 662 гектар ер май-дони 120 628 та лотга бўлиниб, “E-auction” электрон савдо плат-формасига жойлаштирилган. Уларнинг 116 417 таси бўйича 38 590,5 гектар ер майдони деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш учун ажратилган ва танлов фоли-блари аниқланган. Жумладан, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга 760,5 гектар, “аёллар дафтари”га киритилганларга 616 гектар, “темир дафтар”даги аҳолига 129,4 гектар ҳамда меҳ-нат муҳожириларига 1,6 минг гек-тар ер майдонлари ажратилган.

Бундан

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚЧИЛ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Судьялар ҳамжамияти органларининг асосий вазифалари жамиятнинг ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини ошириш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, тизимни ва суд ишини юриштиш тақомиллаштиришга қўмаклашиш, Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда судьяларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши белги-ланмоқда.

Шунингдек, судьяларнинг малака даражаларини бериш, интизомий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ваколатларни тўқатиш ва тўғатиш тартиблари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари белгиланиши орқали суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принциплари риоя этилишини таъминлашга, унинг нуфузини мустаҳкамлашга, судьяларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга эришилади. Пировардида шахсоний одил судловга бўлган ҳуқуқлари янада мустаҳкамланишига ҳамда одил судлов сифати ва самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қонун лойиҳаси

тақомиллаштириладиган бўлди

Депутатлар “Фахрийлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фахрийлар, айниқса, Ватанимиз ва халқимиз тараққиёти учун бутун умрини бахшида қилган кекса авлод вакиллари алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми, тоифалари ҳамда бу соҳада масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари белги-ланмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳага кўра, мўайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мобайнида виждондан намунали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган жисмоний шахсларга фахрий мақоми берилади. Мазкур мақоми олган фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя, солиқ ҳамда пенсия имтиёзларидан фойдаланиш каби қатор ҳуқуқларга эга бўлади. Хусусан, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, шаҳар транспортда бепул юриш, ҳаво ва темир йўл чипталарида чеғирмалар, давлат хизматларида навбатсиз фойдаланиш каби қатор имтиёзларга эга бўлади.

Шунингдек, фахрийларнинг соғломлаштириш муассасаларида дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгулчор муассасалар (спорт, театр, моддий-маданий мерос объектлари) ҳамда музейларнинг пуллик хизматларидан имтиёзли фойдаланиши белги-ланмоқда.

Мажлисада қонун лойиҳаси юзасидан айрим эътироз ва саволлар билдирилди. Хусусан, фахрий мақоми бекор қилишга оид норма қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Депутатлар агар фахрий мақоми бекор қилинган бўлса, нима учун ҳуқуқий ҳимоя чоралари сақланиб қолиши кераклиги юзасидан изоҳ сўрашди. Таклиф сифатида, фахрий мақоми бекор қилиш ҳолатини алоҳида норма сифатида ёзиш, қолган ҳолатларни эса алоҳида қисмда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди. Яъни фахрий мақоми бекор қилинганда нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий ҳимоя чоралари ҳам бекор қилиниши ёки тугатилиши алоҳида белги-ланиши керак.

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари бу бўйича тушунтириш бериб ўтди.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан лойиҳанин 16, 17, 18-моддалари билан боғлиқ қатор саволлар кўтарилди.

Сайдулло АЗИМОВ,

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг 17-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, фахрий бўлиш учун давлат мукофоти, фахрий унвон ёки ордени олиш шарт қилиб қўйилган. Ваҳоланки, медал ёки фахрий ёрлик олишининг ўзи ҳам катта хизмат талаб этади. Энди қўшимча равишда идоравий тўқрак нишонини ҳам олиши керак дейилса, бу ортқича талаб эмасми? Шунингдек, кейинги талабларда ноғирон бўлиши, қаҳрамонлик кўрсатиши каби ҳолатлар ҳам қўйилган. Судья ёки адлия ходими узоқ йил ҳалол ишлаши, лекин қаҳрамонлик кўрсатмаган бўлиши мумкин. Бу уларнинг фахрий бўлиш имкониятини чеклаб қўймайдими? Қолаверса, судьялар ва адлия органлари ходимларининг фаолият ҳусусияти, ҳуқуқий мақоми ҳамда жамият олдидаги вазифалари ҳарбий хизматчиларникидан сезиларли даражада фарқ қилади. Шунинг учун уларга бир хил талаб ва шартларни белгилаш қонун лойиҳасида назарда тутилган адолат принциплари зид ҳисобланмайдими?

Қонун лойиҳасига масъуллар ушбу саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Мунозараларда, шунингдек, лойиҳадаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси масъул кўмита томонидан тақомиллаштириладиган бўлди.

Давлат фуқаролик хизматчилари учун янги имкониятлар

Давлат фуқаролик хизматчисининг хориждаги олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг им-

кониятлар яратиш, давлат органлари ва ташкилотларида профессионал ва салоҳиятли кадрлар қатламини шакллантиришни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси чет элданги олий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурада ўқиш бўйича грант ютганда, иш берувчининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши таклиф этилмоқда. Шунингдек, иш берувчи томонидан розилик беришда ўқув дастурининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишини инобатга олиш назарда тутилган.

Лойиҳада ўқув дастури яқунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизматчиси зиммасига тегишли давлат органи тизимига хорижда таҳсил олиш даврига тенг муддатга ишлаб бериш мажбурияти ҳам юклатилмоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устамда белгилашда инобатга олиниши ҳам акс этмоқда.

Муҳокама давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, сиёсий партиялар фракцияларининг таклифлари асосида ҳужжат матни янада тақомиллаштирилиб, маромига етказилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши таъминланади

Мажлисада “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликка биноан биринчи инстанция судининг қарори ушбу тизимда шикоят берилганда унинг ижросини юқори инстанция суди тўқатиб туриш воқолатига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 271 ва 294, 323-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди куй инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини тегишли илтимоснома асосида мазкур инстанцияда иш юриштиш таъминланганига қадар тўқатиб туриши мумкин.

Бироқ ушбу ҳоққида суд қарори ижросини тўқатиб туриш қаққидаги илтимосномани рад этиш учун аник асослар белгиланмаганилиги сабабли бундай илтимоснома тақдим қилинганда, юқори инстанция суди аксарият ҳолларда куй инстанция суди қарорининг ижросини тўқатишига тўғри келмоқда.

Мазкур ҳолат тадбиркорлик субъектларининг суд қарори асосида пул маблағларининг ундирилиши жараёнларининг кечикишига сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексининг 271, 294 ва 323-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўқатиб туриш суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қийинлашиши ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўлланилиши белгиланмоқда.

Улугбек КАБУЛОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, унда назарда тутилган нормалар суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоялаш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга йўл очди. Натижада иқтисодий судлов самарадорлиги ошди, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинган ҳуқуқлари тезроқ тикланди ҳамда мамлакатимизда инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити янада яхшиланди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолияти янада кучайтирилади

Депутатлар тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилмоқда. Хусусан, лойиҳада тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончининг ҳимояга олиниши, мулк дахлсизлиги, соҳага оид қонунчиликнинг барқарорлиги ва аниқлиги тадбиркорлик фаолиятининг асосий принциплари сифатида белги-ланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратиш, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ ташаббусларни чеклаш, соҳадаги мажбурий талаблар реестрининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари зиммасига янги мажбурият ёки чекловлар юклатишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишбилармонлар иштирокида муҳокама қилиниши ҳамда улар тартибга солиш таъсири бўйича ижобий баҳоланган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган имтиёз ва афзалликларнинг турлари, муддатлари ҳамда тартибин камраб олган алоҳида реестр юриштиш, масъулиятли бизнес мезонларини белгилаш, шунингдек, тадбиркорларга нисбатан қўлланилган молиявий санкцияларни бўлиб-бўлиб ёки кечик-

тириб тўлаш имкониятини яратиш назарда тутилмоқда.

Мажлисада қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк дахлсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётда хусусий сектор улусини кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Мажлисада қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Инвестиция жозибадорлиги ошди

Ҳукумат томонидан киритилган “Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими жорий этилиши ҳамда касбий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш тизимининг янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бу билан чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими жорий қилиниши ва уларни солиқ резидентлари сифатида эътироф этиш тартиби белгиланяпти. Хусусан, кетма-кет келадиган даврда 30 календарь кундан ортқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган, мол-мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида қўчмас мулкка эга чет эллик шахсларга махсус солиқ режимида фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Махсус солиқ режими доирасига кирувчи чет эл фуқаролари белгиланган микдорда йғим тўлаши, ваколатли банкда ҳисоббарак ёки крипто-биржада крипто-ҳамён очиши лозим бўлади. Шунингдек, уларнинг вояга етган яқин қариндошлари томонидан махсус йғим тўланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ташқарида олинган даромадларни солиқдан озод қилиш тартиби ҳам жорий этилмоқда.

Солиқ кўмитаси раиси ўринбосари Ж. Абдиев ўз маърузасида қайд этганидек, амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, чет эл фуқаролари календарь йили давомида 183 кундан ортқ муддат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган тақдирда солиқ резиденти ҳисобланади. Шу асосда уларга нисбатан нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки хорижда олган даромадларига нисбатан ҳам солиқ солиш мажбурияти юклатилди.

Қонун лойиҳаси билан ушбу тартибин тақомиллаштириш, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш ва мамлакатимизга кириб келаётган капиталлар оқимини кўпайтириш мақсад қилинган.

Айтилганидек, 2025 йилда солиқ резиденти мақоми олган 513 нафар чет эл фуқароси томонидан 210 млрд. сўмлик даромад манбалари юзасидан декларациялар тақдим этилган бўлиб, улар ҳисобидан 25 млрд. сўмлик солиқ тушумлари шаклланиши кўтилмоқда.

Қонун лойиҳасида яна бир муҳим янгилик сифатида саноат корхоналарида дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ходимлар учун ижтимоий солиқ ставкасини икки баравар камайтириш таклиф этилмоқда. Яъни амалдаги 12 фоизлик ижтимоий солиқ ставкаси 6 фоизга туширилиши назарда тутилмоқда. Бу орқали иш берувчиларни ёшларни иш билан таъминлашга янада кенг жалб этиш мақсад қилинган.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чет эл инвесторлари учун мамлакатимизда янада жозибадор ва қулай муҳит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ошириш, шунингдек, малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга кадрларни тайёрлашда дуал таълим тизимини янада ривожлантиришга рағбат беришини таъкидлади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бизнес вакиллари учун яна бир қулайлик

“Ер қонунчилиги янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат барча тоифадаги ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ер ресурсларини муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашни назарда тутди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинлар ва ортқича бюрократик тўсиқларни камайтириш мақсадида ер участкаларини ҳисобга олиш, бўш турган ерларни аниқлаш, ер участкаларини бирлаштириш ҳамда қайта ижарага бериш тартиблари белги-ланмоқда.

Қонун лойиҳасида қишлоқ ҳўжалиги ерларини бозор активига айлантириш мақсадида ерга бўлган ижара ҳуқуқидан кредит, лизинг, ипотека ва банк кафолатлари олинганда таъминот сифатида фойдаланиш имкониятини кенгайтирилмоқда. Бу эса фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган имкониятларни оширишга, инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча шароитлар яратишига хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дилмурод АРТИҚОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида ер муносабатларига оид қонун лойиҳаларини адлия органлари томонидан мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибининг белгиланиши маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнининг ҳуқуқий табиғати зид келмайдими?

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб, депутатлар кўтарган масалаларга қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътибор қаратилиши билдириди.

Муҳокама чоғида қайд этилганидек, қонун

лоийҳасининг қабул қилиниши натижа-сида ер муносабатларида шаффоқлик таъминланди, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда ижарачиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари янада ишончли ҳимояланади. Ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар шаклланади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун ҳужжатларидаги юридик атама ва тушунчалар бирхиллаштирилади

Мажлисада “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини содда ва тушунарли тилда тайёрлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим тушунча ва юридик атамаларни ягона шаклда қўллаш ва уларнинг юридик-техник жиҳатдан тўғри баён этилишини таъминлашни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш таклиф қилинмоқда.

Хусусан, “аванс” сўзини “бўнак”, “маркировка”ни “тамғалаш”, “маршрут”ни “йўналиш”, “светофор”ни “йўлчирак”, “коворкинг”ни “иш маркази”, “парол”ни “ўрон”, “прогрессив” сўзини эса “илгор” деб ўзгартириш назарда тутилган.

Мажлисада қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларнинг қўлланилишидаги ноаниқликларни бартараф этишга, уларни бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Хорижий инвесторлар учун ер муносабатларига оид ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилмоқда

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — хорижий инвесторлар учун ер муносабатларига оид ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Бугунги кунда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига доир ҳуқуқлари турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланган. Бу эса амалиётда ҳуқуқий ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, ўрганишлар ер участкаларида узоқ муддатли лойиҳаларни режалаштиришга қаратилган таклифлар ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ер кодексига чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий юридик шахслар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига доир ҳуқуқлари алоҳида бобда берилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий инвесторлар томонидан ер участкаларини ижарага олиш асослари ва шартлари тартибга солинмоқда. Дипломатик ваколатхоналарнинг ерга оид ҳуқуқлари акс этмоқда.

Лойиҳа билан инвесторларга ер участкаларини ижарага бериш муддатини 25 йилдан 49 йилгача узайтириш ҳам таклиф қилинапти. Мақсад инвесторларнинг узоқ муддатли йирик лойиҳаларга сармоа киритишини рағбатлантириш ва бу орқали янги иш ўринларини яратишдир.

Ҳужжатда ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар учун ҳам қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни 49 йил муддатга ижарага бериши мустаҳкамланмоқда. Амалдаги қонунчиликда мазкур ерлар 30 йил муддатга ижарага берилиши белгиланган.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер муносабатларида шаффоқликни таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш, амалдаги ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш, ер участкаларига нисбатан инвестициявий жозибадорликни ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Халқаро фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланади

Мажлисада “Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ баёномаларни (Монреаль, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам обдан муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, халқаро фуқаро авиациясининг барқарор ривожланиши давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун лойиҳаси билан Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенциясига киритилган айрим ўзгартиришларни ратификация қилиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Конвенциянинг 50 (а)-моддасига мувофиқ Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотни Кенгаши аъзолари сонини 36 тадан 40 тагача, 56-моддасига асосан, Аэронавтадан комиссияси аъзолари сонини эса 19 тадан 21 тагача ошириш белгиланмоқда.

Муҳокамада қайд этилганидек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига аъзо давлатлар сонининг ортиши ҳамда халқаро ҳаво транспортининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни тобора кучайиб бораётгани мазкур ўзгартиришларнинг долзарблигини белгиламоқда. Кенгаш таркибининг кенгайтирилиши ташкилотга аъзо давлатларнинг вакилликдаги мувозанатини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, Аэронавта комиссияси таркибининг кенгайтирилиши турли давлатлар ва-



килларининг техник билим ва амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланишга хизмат қилиши таъкидланди

Дил сўзи

ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИБОРИДА БЎЛИШ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ мўтабар даргоҳимиз — отахон театримизнинг бир гуруҳ санъаткорлари давлат мукофотлари билан тақдирланганини катта мамнуният ва чекизи қувонч билан қабул қилдик. Бу эътироф нафақат санъат аҳлига, балки миллий маданиятимиз ва театр санъатига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.



Давлатимиз раҳбаридан "Буюк хизматлари учун" орденини қабул қилиб оларканман, қалбимни чуқур миннатдорлик ва масъулият туйғуси қамраб олди. Бу юксак мукофот мен учун нафақат шараф, балки халқимиз ишончига муносиб бўлиш, санъат йўлида янада сидқидилдан хизмат олиб боришга даъват этувчи улкан масъулиятдир. Айниқса, бугун орамизда бўлмаган, аммо ўзининг бетакорр ижоди ва халқ хизмати билан миллий санъатимиз тарқиқетига беқиёс хисса қўшган устоз санъаткорларнинг ҳам муносиб равишда эътироф этилгани барчамизни тўлқинлантирди. Бу юксак қадрлаш уларнинг фарзандлари, неваралари, шогирдлари ва минглаб мухлислари қалбига қувонч ва ифтихор бағишлади. Устозлар хотирасига кўрсатилган бундай эътиром миллий қадриятларимизга садоқат ва маънавий меросимизга юксак эътибор намунаси.

шундай бетакорр спектакллар борки, улар бугун ҳам санъат ихлосмандлари хотирасида яшаб келмоқда. Шу боис тарихий асарга қўли уриш ҳар қандай ижодий жамоадан катта жасорат ва юксак масъулият талаб этади. Агар сахналаштирилаётган асар ўтмишда яратилган буюк намуналар даражасига яқинлаша олмаса, томошабин қалбидан жой топиши қийин. Чунки халқ ҳар бир янги талқинни беихтиёр санъатимизнинг улғу намоёндалари яратган образлар билан қиёслайди. "Олим Хўжаев бу қахрамонни бошқача талқин қилган эди" ёки "Шуқур Бурхонов ижросида бу образнинг таъсири кучлироқ эди" деган фикрлар янграши табиий. Негаки, санъатнинг ҳақиқий мезони ҳам, энг ҳолис ҳақами ҳам томошабиннинг ўзидир. Шунинг учун ҳам бундай асарларни сахналаштиришда ҳар бир детал, ҳар бир сўз ва ҳар бир образга алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Актёр сифатида анча йиллардан буён кинода психологик характердаги ролларни ижро этишни кўнглимга туғиб юрардим ва ниҳоят бу орузим ҳам амалга ошди. Жаҳонгир Қосимов режиссёрлигидаги "Сув ёқалаб" фильмидаги Болта Мардон образи ҳар жиҳатдан кўнглимдаги роль бўлди. Театр масаласига келсак, ўзим орзу қилган деярли барча ролларни ижро этишга муваффақ бўлдим. Кейинги вақтларда, асосан, комедиялар қўйлаётгани сабабли, бундай асарларда уйнашни ўшимга ҳам, ички ҳолатимга ҳам унчалик мос деб билмайман. Шу боис жиддий психологик ролларга бўлган эҳтиёжим кучли эканлиги туфайли баъзи тақлифларни рад қилишга тўғри келмоқда. Бироқ ҳали энг яхши образларим олдинда, деб ўйлайман. Театрда тақдим этилаётган сценарийлар муаллифларнинг аксарияти жиддий ижод мактабини ўтамаган, ҳаёт ва адабиётни чуқур ўрганмагани сезилади. Ахир Ойбек домла, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков ва бошқа машҳур ёзувчиларимиз қолдирган бой адабий мерос мавжуд. Бизда иқтидорли актёрлар ва режиссёрлар етарли, аммо кучли драматурглар ва киносценаристлар етишмаяпти. Назаримда мавжуд барча имкониятлар ижод аҳлини бир гоё атрофида биравлаштириб, бизга адабиёт ва санъатини янада юксалтирувчи асарлар яратишга хизмат қилади. Бу эса юртимизга келган хорижлик меҳмонлар учун ҳам халқимизнинг олийжаноб фазилатлари, урф-одатлари ва бой маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби.

ЭЪЗОЗ ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Фахрли унвон билан тақдирланганимни эшитганимда, қувончдан кўзларимга ёш келди. Айниқса, юксак унвонни Президентимиз қўлидан қабул қилиб олаётганимдаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаб беришим қийин...



Санъат йўлида босиб ўтилган йиллар, сахнада кечган умр, халқ меҳри билан йўғрилган ижодимнинг қадр топганидан хурсандман. Президентимизга маданият ва санъат аҳлига қаратаётган юксак эътиборлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги Ўзбекистонда ижодкор кадрининг улғунаётгани, миллий санъатимиз тарқиқети учун яратилаётган кенг имкониятлар биз, санъаткорларга катта ишонч

бағишламоқда. Зеро, санъатнинг маънавий-маърифий, маданий ҳаётимиздаги аҳамияти беқиёс. Бу қудратли куч инсонни эзгуликка чорлайди, қалбларда яхшилик ва маънавий юксалишга интилишни уйғотади.

Мен учун Ўзбекистон халқ артисти бўлиш улкан шараф, айти пайтда катта масъулият. Бу юксак унвонни фақат ўзимнинг эмас, мени тарбиялаган устозларимнинг, бирга меҳнат қилган ҳамкасбларимнинг ва энг муҳими, йиллар давомида қўшиқларимни ардоқлаб келатган азиз халқимизнинг эътирофи деб биламан. Бундан кейин ҳам бор кучимни халқимиз хизмати бағишлайман.

Рустам ГОЙИПОВ, Ўзбекистон халқ артисти.

СПОРТ РИВОЖЛАНСА, ЖАМИЯТ ЮКСАЛАДИ

Бугун бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб еттигимиз: соғлом инсон — кучли жамиятнинг таянчи. Қаерда спорт ривожланса, ўша жойда интизом, ҳаракат, ғайрат ва келажаққа ишонч кучаяди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига берилётган эътибор миллат келажағига қаратилган муҳим стратегия сифатида намоён бўлмоқда.

Муносабат

Бу эътиборнинг самараси бугун халқроқ аренада яққол кўриниб турибди. Байрогимизни баланд кўтараятган спортчиларимиз, кўлга киритилаётган медаллар, юртимиз ёшларининг спортга қизиқиши ортиб бораётгани — барчаси амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаси. Энг муҳими, спорт энди фақат профессионаллар машғулотига эмас. У халқ ҳаётининг бир қисмига, соғлом турмуш тарзининг асосий устунига бирига айланмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, олий таълим муассасаларининг ўрни катта. Чунки талабалик — инсон ҳаётидаги энг муҳим давр. Айна шу паллада ёшларда ҳаётга маънавият, интизом, ирода ва ўз устиди ишлаш кўникмалари шаклланади. Спорт эса бу фазилатларнинг энг яхши тарбиячиси.

Соғлом авлодни тарбиялаш сиёсати

Жорий йил 7 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг келгусидаги вазифалари муҳокама

фақат мушак кучини эмас, ақл ва сабрни ҳам тарбиялайди. Шахматда ютиш учун қандай тафаккур керак бўлса, ҳаётда муваффақият қозониш учун ҳам шундай стратегик фикрлаш зарур.

Масаланинг яна бир жиҳати, университетимизда бўлажак муҳандислар ва иқтисодчилар тайёрланади. Уларнинг нафақат билими, рақобатбардош, малакали, балки жисмонан соғлом мутахассис бўлиши жамият ривожига катта хисса қўшади. Спортни ривожлантиришдан мақсадимиз ҳам шу каби эзгу режаларни ҳаётга таъбиқ этишга қаратилган.

Қисқа вақт ичида кўлга киритилган натижалар ҳам диққатга сазовор. 2025 йилда талабалар халқроқ ва республика мусобақаларида муносиб иштирок этиб, медалларга эга бўлишди. Лекин университет учун энг катта ютуқ фақат медаллар эмас. Энг асосийси — оммавийлик. Бугун қарийб 7 минг нафар талаба спорт тадбирларига жалб қилинган ёшлар орасида соғлом ҳаёт

лим йўналиши талабаларининг 80 фоизи қамраб олинди. Фолиб бўлган 121 нафар талаба рағбатлантирилди.

"Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси" доирасида университетнинг 2242 нафар талабаси спортнинг футбол, гандбол, волейбол, баскетбол, стол теннис, енгил атлетика ва сузиш турлари бўйича "erp.sport.uz" платформаси орқали рўйхатдан ўтди. Ҳозир мазкур мусобақаларнинг вилоят босқичи беллашувлари ўтказилмоқда. Унда университетимизнинг гандболчи қизлари ва стол теннис бўйича жуфтлик бахслари иштирокчилари республика босқичига йўланмани кўлга киритди.

Вазифа — аниқ, мақсад — қатъий

Энди университет спортни ривожлантиришда янги босқичга ўтмоқда. Асосий эътибор фақат сонга эмас, сифатга қаратиляпти. Талабалар ва ходимларнинг саломатлигини мунтазам баҳолаш, жисмоний тайёргарлик даражасини аниқ мезонлар асосида ўлчаш, соғлом овқатланиш маданиятини кенг ёйиш каби ташаббуслар спортни илмий асосда ташкил этишга хизмат қилади.

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги вазифалардан келиб чиқиб, университетда ҳафтанинг бир санаси "Спорт куни" деб белгиланади. У университет раҳбарияти бошчилигида ерталабки оммавий бадантарбия машқларидан бошланади. Кун давомида эса олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар

риш, тортилиш, машқ қилиш орқали соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётга айлантиради.

Волейбол, футбол, кураш, дзюдо, теннис, стол теннис, шахмат-шашка ва кросс-фит бўйича ҳар йили февраль ва октябрь ойларида анъанавий "Ректор кубоги" мусобақалари ўтказилади. Бу талабаларда рақобат руҳини кучайтириб, ғалабага интилиш ҳиссини оширади.

Университет жамоаси спорт билан қамров даражасини 85 фоизга етказишни мақсад қилган.

Замон билан ҳамқадам бўлиш мақсадида сунъий интеллектга иттихослашган кафедр олимулари томонидан яққа кураш спорт турлари бўйича спортчилар ҳаракатини масофадан таҳлил қилиш ва тезкор назорат имконини берувчи махсус мониторинг дастури яратилди. Бу спорт ва технологиянинг уйғунлашуви дегани.

Тарғибот ғалабага етаклайди

Спорт — саломатлик гарови. Доимий ҳаракатда бўлган инсоннинг танаси ҳам бақувват, руҳи ҳам тетик бўлади. Лекин спортнинг ўз қонун-қоидалари борлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Турли овқатланиш, тиббий назорат ва соғлом ҳаёт тарзи бу жараённинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис университетда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишлари кучайтирилмоқда. Хар йили камида бир марта тиббий кўрик ташкил этилади. Талабалар ва ходимларнинг саломатлик кўрсаткичлари ҳамда жисмоний тайёргарлик даражаси баҳолаб борилади. Спорт ва тиббий илмий марказлари билан ҳамкорликда соғлом овқатланиш, спорт нутрициологияси, диетология ва фармакология бўйича тавсиялар ҳаётга таъбиқ этилади.

Шунингдек, университетнинг 7 та факультетида ҳар бири 5 нафар талабадан иборат "Оммавий спорт ва тўғри овқатланишни тарғиб қилувчи" волонтерлар гуруҳи ташкил этилади. Бу ёшлар тенгдошлари орасида соғлом ҳаёт тарзининг тарғиботчиларига айланади.

Спортчи маҳорати машғулотда чарчланса, мусобақада тобланади. Майдон инсонга ўз кучини, иродасини ва камчиликларини кўрсатади. Шу мақсадда жорий йил ноябрь ойида вилоят олийгоҳлари талабалари ва маҳалла ёшлари ўртасида волейбол турнирини ўтказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 29 та техникум ва академик лицей билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва саралаш ишлари мунтазам ташкил этилади.

Университетда иқтидорли спортчилар талайгина. Масалан, ҳозир бир нафар талабанинг парадзюдо бўйича кўрсаткичлари оқори баҳоланмоқда. Олийгоҳ унинг 2028 йили АҚШда бўлиб ўтадиган Паралимпия уйинларига йўланма олиши учун тайёргарлик ишларига кўмаклашмоқда.

Вилоятдаги 9 та, яъни шахмат, дзюдо, футбол, волейбол, гандбол, теннис, енгил атлетика, адаптив спорт ва сузиш йўналишларида спорт федерациялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар билан биргаликда иқтидорли талабалар олимпиади ва паралимпия мусобақаларига тайёрланади.

Қарши давлат техника университети таърифида бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлапти: спорт ривожланган жойда соғлом муҳит, кучли ирода ва юксак мақсадлар шаклланади. Бу ерда яратилаётган имкониятлар ва амалга оширилаётган ташаббуслар нафақат бир университет, балки бутун жамият келажаги учун хизмат қилмоқда.

Шерход НЕЪМАТОВ, Қарши давлат техника университети ректори.

Қарши давлат техника университетиде спортга мутлақо янги ҳаёт шаклланди. 7 минг нафар талаба спорт тадбирларига жалб қилинган. Университетда ҳафтанинг бир санаси "Спорт куни" деб белгиланган. Келгусида университет ва талабалар тураржойлари ҳудудида 5 та воркаут зонаси ташкил этилади. Университет жамоаси спорт билан қамров даражасини 85 фоизга етказишни мақсад қилган.

қилинди. Бу масалалар университет учун ҳам муҳим дастуриламал бўлди.

Қарши давлат техника университетиде спортга мутлақо янги ҳаёт шаклланди. Спортга баркамол инсонни тарбиялайдиган муҳим ҳаёт мактаби сифатида қаралмоқда.

Олий ўқув юртидаги замонавий спорт инфратузилмаси бу фикрни янада мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунда 24 та спорт иншооти фаолият юритмоқда. Ёпиқ ва очик майдонларнинг уйғунлиги туфайли талабалар йилнинг истаган фаслида жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга. Энг аҳамиятлиси, бу имкониятлар нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ва маҳаллий аҳоли учун ҳам очик.

Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси Қарши давлат техника университети спорт клубининг ташкил этилгани муассасада спортни тизимли йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Дзюдо, кураш, стол теннис ва шахмат бўйича машғулотлар ёшларни ҳам жисмонан, ҳам фикран чиниктирмоқда. Ахир спорт

тарзига қизиқиш кучайиб бораётганини кўрсатади.

Биргина 2025 йилда нуфузли мусобақаларда талабаларимиз томонидан 5 та медал кўлга киритилди. Универсал жанг бўйича жаҳон чемпионатида талабамиз кумуш медалга, "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақаларида стол теннис бўйича бронза медалга сазовор бўлди. Парасузиш бўйича катталар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида бронза медали, 50 метрга эркин сузишда кумуш медал қайд этилди.

Ўзбекистон Республика Қуролли Кучлари тузилганининг 33 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон Республика Ҳарбий авиация институти томонидан ташкил этилган "Ҳарбий авиация кубоги" мусобақасида бронза медал кўлга киритилди. Қуни кеча яна бир талабамиз ракетамодел спорт бўйича Ўзбекистон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди.

2025/2026 ўқув йилининг сентябрь — март ойларида оммавий спорт турлари бўйича мусобақаларда университетнинг 6843 нафар талабаси, яъни кундузги таъ-

ташкил этилмоқда. Бу нафақат танани чиниктиради, балки жамоавий руҳни ҳам мустаҳкамлайди.

Албатта, бундай ҳаракатлар спорт инфратузилмасини янада яхшилашни талаб қилади. Шу мақсадда мавжуд очик ва ёпиқ спорт иншоотлари халқроқ стандартлар асосида капитал таъмирланади, жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Жорий йилда битта ёпиқ спорт иншооти жорий таъмирланади. Шунингдек, Шахрисабз озик-овқат муҳандислиги факультети ҳудудида янги мини-футбол майдони қурилиши режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳат — спорт иншоотлари фақат университет учун эмас. Кун давомида камида 300 нафар маҳаллий аҳоли, техникум ва мактаб ўқувчилари, яқин атрофдаги ташкилот ходимлари ҳам бу имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса таълим муассасасининг жамият билан ҳамнафас яшашга интиляётганини кўрсатади.

Университет ва талабалар тураржойлари ҳудудида 5 та воркаут зонаси ташкил этилади. Бу ерларда ёшлар югу-

Хизматлар бир жойда жамланган марказ



Термиз шаҳрида хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларга зарур хизматларни бир жойнинг ўзиде кўрсатиш имконини берадиган Ягона миграция маркази очилди.

Қулайлик

Ушбу марказда ташқи меҳнат бозорида талаб юқори касблар бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Чет тилларни ўрганиш, халқроқ сертификатлар учун имтиҳон топириш,

хужжатларни расмийлаштириш ва виза масалаларида ҳам амалий ёрдам берилади. Консалтинг хизматлари бепул йўлга қўйилган.

Мажмуа инфратузилмаси

100 ўринли ўқув хоналари, 18 ўринли музокаралар зали, 50 ўринли танловлар хоналари ҳамда бир вақтинч ўзида ўн нафардан ортик фуқароларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга фронт-офисни ўз ичига олади.

Ягона миграция маркази хорижий тиллар ва замонавий касбларни ўрганиш, ташқи меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш, хавфсиз ва тартибли меҳнат миграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Фарход ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).



2026/2027 ўқув йилидан бошлаб талабаларда тадбиркорлик кўникмаларни шакллантириш мақсадида барча олийгоҳларда Тадбиркорлик асослари фанини ўқитиш йўлга қўйилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Таърихията келган кўлабмазар таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таърихият компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6